ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР
ХОКИМИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ
ГОРОДА ЯНГИЮЛЬ

КАРОР
РЕШЕНИЕ

2020 йил «27» март № 91 Янгийўл ш.

Янгийўл шаҳар Халқ таълими бўлими ҳамда мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги муассасаларда 2019-2020 ўқув йилининг 2-ярим йиллик учун синфлар, ўқувчилар сони ва гуруҳларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 март кунги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 391-сон қарорига ижросини таъминлаш мақсадиданинг ҳамда Тошкент вилояти Ҳокимлиги мюдия бош бошкармасининг 2019 йил 28 августдаги 01-38-22/3682-сонли хатини ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими тизимида 2019-2020 ўқув йилининг 2-ярим йиллик учун умумий ўрта мактаб, мактабгача таълим, мактабдан ташкари таълим муассасаларидаги синфлар, гуруҳлар, ўқувчилар, тарбияланувчилар сонини тасдиқлаш ҳақидаги шаҳар Мюдия ва халқ таълими бўлими ҳамда мактабгача таълим бўлими ходимлари томонидан тузилган ишчи гуруҳ далолатномасини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Конунининг 6-моддасига асосланиб,

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 март кунги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги "Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 391-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Тошкент вилояти Ҳокимлиги мюдия бош бошкармасининг 2019 йил 28 августдаги 01-38-22/3682-сонли хати рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2020 йил 1 январдан шаҳар халқ таълими бўлими тизимидаги 11 та умумий ўрта таълим мактаблари, Баркамол авлод болалар маркази, 11-сонли ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб, Болалар-ўсмирлар спорт

мактаби, 22-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ва бошқа таълим муассасалари, жумладан:

1-4 синфлар сони 196, уларда 6531 ўқувчи;
5-9 синфлар сони 213, уларда 7138 ўқувчи;
10-11синфлар сони 66, уларда 2043 ўқувчи;

Жами бўлиб, 1-11 синфлар сони 475 та, уларда 15712 ўқувчи таълим олмоқда. Шундан:

11-сонли ёрдамчи мактабда 19 та синфда 193 ўқувчи;
11-та умумтаълим мактабларида 456 синфда 15519 ўқувчи.

Мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда, жумладан:
1 та болалар мусиқа ва санъат мактабида 28 та гуруҳда 417 ўқувчи;
1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 39 та гуруҳда 580 ўқувчи;
1 та баркамол авлод болалар марказида 10 та гуруҳда 400 ўқувчи.

13 та мактабгача таълим муассасасида жами: қуввати бўйича 100 та гуруҳда 2895 нафар болага мўлжалланган бўлиб, 2020 йил 1 январ ҳолатига инлаётган 86 та гуруҳда 2469 нафар бола, жумладан: киска муддатли 19 та гуруҳларда 570 нафар бола.

Халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларининг кўп узайтирилган гуруҳларининг, мактабдан ташқари муассасаларининг ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг 2019-2020 ўқув йилининг 2-ярим йиллик учун тегуп рўйхатлари ва маълумотномалари 1, 2, 3, ва 4-иловаларга асосан тасдиқлансин.

3. Янгийўл шаҳар умумтаълим мактабларининг 2019-2020 ўқув йил учун ўзининг ҳудудига оид таълим муассасаларига ҳар бир 2 500 кв.м супуриш майдони (меъёрларга асосан) ҳисоби бўйича 2020 йил 1 январдан 1 штат бирлиги лавозими белгилансин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Сайлиев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими Ф.Мирзаев

REPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI YANGIYO'L SHAHAR HOKIMI O'ZBEKISTON DEVONXONA